

I. САНОАТ

Дастлабки маълумотлар бўйича 2018 йил январь-сентябрь ойларида вилоят корхоналари томонидан 3722,6 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръати 111,6 % ни ташкил этди.

Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг асосий омили бўлиб, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатида ишлаб чиқариш ҳажмининг 11,1 % га (жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 93,8 %и), тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлашнинг – 4,4 % га (жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 0,3 %и), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг 9,6 % га (жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 4,4 %и) ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишнинг – 93,0 % га (жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 1,5 %и) ўсиши ҳисобланади.

Январь-сентябрь ойларида асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқариш таркиби

(жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан %)



**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган
саноат маҳсулоти турлари
(йирик корхоналар бўйича)**

	Ўлчов бирлиги	2018 йил январь- сентябрь	2017 й январь- сентябрга нисбатан %
Қум ишлаб чиқариш	тн	-	-
Шағал ишлаб чиқариш	тн	12700	65,3
Пахта толаси	тн	33448,0	109,3
Пахта чигити	тн	50209,0	103,6
Пахта тивити (линт)	тн	2139,0	99,1
Тайёр шойи газламалар ишлаб чиқариш	минг м2	50,8	112,6
Омухта ем ишлаб чиқариш	тн	48378,0	87,0
Кунжара ишлаб чиқариш	тн	37871,0	120,9
Соапсток ишлаб чиқариш	тн	1578,0	2,1м.
Миллий нон ишлаб чиқариш (лепешка)	тн	56,9	108,6
Юмшоқ буғдой ва спельта уни	тн	82833,6	97,7
Йирик шохли қорамол, чўчқа, қўй, эчки, отсимонлар оиласига кирувчи хайвонлар гўшти, янги сўйилган ёки совитилган	тн	1,1	100,0
Тозаланган пахта ёғи ва унинг фракция- лари (кимёвий модификация қилин- ганиларидан ташқари)	тн	7271,0	105,0
Ишлов берилган суюқ сут	тн	5,0	100,0
Минерал сув ишлаб чиқариш	минг. л.	68906,0	76,6
Узум виноси	минг. л.	1042,0	120,8
Ароқ	МИНГ.Л.	827,0	88,5


**2018 йил январь-сентябрь ойларида иқтисодий фаолият турлари
бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш**

	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз
Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	3722,6	111,6
Фойдали қазилмалар қазиб олиш (тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш) маҳсулотлари	13,0	104,4
Ишлаб чиқарадиган саноат	3492,1	111,1
ундан:		
Озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	976,0	104,9
Тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	1536,3	115,7
Ёғоч ва пўқак буюмлар, похол ва тўқиши учун материаллардан буюмлари, қофоз ва қофоз маҳсулотлари, мебеллар ишлаб чиқариш	87,8	99,8
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	1,6	105,9
Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	116,0	102,9
Электр жихозлар ишлаб чиқариш	12,3	116,0
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	151,9	101,5
Металлургия саноати	34,7	106,8
Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш, машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш, тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	192,5	112,7
Бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш	383,0	102,1
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	162,5	109,6
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	55,0	193,0


Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш

Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш ва турларини кенгайтириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2017 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан (105,5 % га) ошишига таъсир кўрсатди, жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши эса 72,5 % ни ташкил этди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръатлари (2018 йил январь-сентябрь ойлари учун)



Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркиби (жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан фоизда)



2017 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан истеъмол товарлари таркибида ноозик-овқат товарлари ишлаб чиқариш улушининг 64,8 % дан 2018 йил январь-сентябрь ойларида 65,1 % га ошиши кузатилмоқда.


Туман(шаҳар)ларнинг саноат ишлаб чиқариши

Туман(шаҳар)ларнинг саноат салоҳиятини ошириш бўйича амалга ошириб келинаётган изчил чоралар натижасида Мингбулоқ (2017 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 139,0 % га), Наманган (118,8 % га), Наманган шахри (114,3 % га), Поп (113,3 % га), Косонсой (108,3% га) туманларида сезиларли даражада ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши таъминланди.

Туман(шаҳар)лар бўйича саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари

(2018 йил январь-сентябрь ойлари учун)

(ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан, % да)




Вилоят саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп Наманган шахри (вилоят саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 48,5 % улушини), Наманган тумани (9,6 %), Учқўргон(9,0 %), Тўракўргон (8,2 %), Уйчи (6,8 %), Поп (4,5 %) туманлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Туман(шаҳар)ларнинг вилоят жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши,

%да

(2018 йил январь-сентябрь ойлари учун)



Шу билан бирга энг кам улуши Чуст (2,7 %), Мингбулоқ (2,3 %), Норин (2,1 %), Чорток (1,7 %) ва Янгиқурғон (1,4 %) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

Саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми


(2018 йил январь-сентябрь ойлари учун)

	Саноат маҳсулотлари, млрд. сўмда 1)	2017 йил январь-сентябрь ойига нисбатан, % да	Истеъмол товарлари, млрд. сумда 1)	2017 йил январь-сентябрь ойига нисбатан, % да
Вилоят жами	3722,6	111,6	2699,7	105,5
Наманган ш.	1804,3	114,3	1314,7	107,9
Мингбулоқ	84,7	139,0	25,4	101,3
Косонсой	126,4	108,3	116,0	102,5
Наманган т	355,6	118,8	283,0	105,3

Норин	80,0	102,1	56,6	102,1
Поп	165,8	113,3	78,4	103,0
Түрақүрғон	305,8	107,5	221,2	104,0
Уйчи	253,0	103,2	178,5	104,6
Учкүрғон	333,8	106,5	225,8	102,5
Чорток	62,0	101,4	57,3	101,2
Чуст	100,7	101,4	94,0	100,3
Яңгиқүрғон	50,4	100,5	48,9	100,2

Ахоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг табақаланиши таҳлили Наманган шаҳрида (2984,7 минг сўм), Наманган туманида (2064,8 минг сўм), Учкүрғон (2007,5 минг сўм) ва Түрақүрғон (1404,2 минг сўм) туманларида ўртача вилоят даражаси кўрсаткичидан (1369,2 минг сўм) юқорилигини кўрсатмоқда.

Туман(шаҳар)лар бўйича ахоли жон бошига саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми, минг сўмда (2018 йил январь-сентябрь ойлари учун)



Туман(шаҳар)лар кесимида аҳоли жон бошига ўртача саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг юқори ўсиш суръатлари Наманган шаҳрида (2017 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 112,3 % га), Мингбулоқ (136,5 % га) ва Наманган (116,4 % га) туманларида кузатилди. Шу билан бирга, Чорток (99,5 %) ва Чуст (99,7 %) туманларида ўсишнинг паст суръатлари кузатилди.

Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг ҳиссаси

Кичик тадбиркорлик субъектлари саноат ишлаб чиқаришда кескин фаоллашгани натижасида улар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 7,5 % га ошишини таъминлади, ўз навбатида кичик бизнеснинг жами саноат ишлаб чиқаришдаги улуши эса 69,7 % ниташкил этмоқда.

Туман(шаҳар)лар кесимида кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори улуши Янгиқўрғон ва Чорток туманида (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 100,0 %), Косонсой(98,6), Наманган (87,2 %), Уйчи (84,2 %) ва Чуст (81,1 %) туманларида кузатилди. Шу билан бирга, энг кичкина улуш Мингбулоқ (30,6 %), Поп (33,5 %) туманларида кузатилди.

